



## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Тошқулов

2017 йил

### “Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура)” интерактив хизмати регламенти

#### 1. Хизмат таърифи

##### 1.1. Хизмат (паспорти) номлаиши

Қиска номи: Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура).  
Кенгайтирилган номи: Термиз давлат университети (terdu.uz) расмий сайти орқали Термиз давлат университетига ҳужжат топшириш истагини билдирган абитуриентлар аризасини электрон шаклда қабул қилиш (магистратура)

##### 1.2. Хизмат натижаси

Аризачини Термиз давлат университетининг магистратурага кириш учун ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилиш

##### 1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади.

##### 1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги "Олий таълим муассасаларига қабул қилиш. Талабалар ўқишини кўчириш қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 393-сон қарори.

##### 1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Термиз давлат университетининг бакалавриат босқичини тамомлаган талабалар.

##### 1.6. Ариза бериш муддатлари

Талабалардан аризалар қабул қилиш белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин) амалга оширилади.

##### 1.7. Бажарилиш муддатлари

Магистратурага кириш учун топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар келиб тушган пайтдан бошлаб 1-3 иш куни ичида кўриб чиқилиб жавоб берилади.  
Мурожаат дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

#### 2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

##### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

– хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш таркиби, мурожаатларни кўриб

чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот:

- танланган олий таълим муассасасидаги турдош таълим йуналишлари;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари

## 2.2. Батафсил маълумот олиш

Термиз давлат университетининг расмий веб-сайти орқали.

## 2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз давлат университети қабул комиссияси манзили кўрсатилади.

Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

### 3.1. Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба - шанба (09:00дан -17:00 гача)

### 3.2. Кутиш шартлари

1 - 3 иш куни

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

Қуйидаги ҳужжатлар тўлдирилган махсус ариза шаклига электрон (сканерланган) шаклда илова қилинади:

- бакалавр дипломи ("Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш" тизими билан интеграция таъминланганда, дипломнинг серияси ва рақами киритилади);
- чоп этилган илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлари) (мавжуд бўлса);
- 3.5 x 4.5 ҳажмдаги рангли фотосурат;
- №086 шаклдаги тиббий маълумотнома (Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими билан интеграция таъминланганда маълумотнома рақами киритилади);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификационрақами (ПИНФЛ);
- ЭРИ (электрон рақамли имзо).

(Қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

### 4.2. Хизмат тўлови

Бепул.

### 4.3. Хизматни кўрсатиш босқичлари

Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали хизмат кўрсатини босқичлари:

- id.gov.uzорқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- "Интерактив хизматлар бўлимидан "Абитуриентлар аризасини электрон қабулқилиш (магистратура)" хизмати танланади.
- ариза шакли тўлдирилади ва ҳужжатларнинг электрон нусҳаси илова қилинади;
- мутахассислик танланади;
- аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- ариза тўғри тўлдирилганлиги тасдиқланади. "ЭРИ билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади.

(Қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

#### 4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни


- Маъсул ходим томонидан мурожаат қилувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар юборилади.
- Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.
- Аризачи хужжатларнинг асл нусхасини электрон ариза қабул қилингандан кейин 5 кун ичида Термиз давлат университети қабул комиссиясига топшириши шарт.

#### 4.5. Рад этиш сабаблари

Термиз давлат университети қабул комиссияси томонидан. Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидаги ихтисосликларга мос келмаслигини аниқланса ёки талаб этилган хужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги сабабли рад этишлари мумкин.


“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети  
Ўқув ишлари бўйича проректор

  
\_\_\_\_\_  
Ў.Ч.Ахмедов  
“    ”                      2017 й

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети  
Ахборот технологиялари  
маркази бошлиғи

  
\_\_\_\_\_  
Х.А.Чориев  
“ 19 ”                      11                      2017 й